

**Автотранспорт воситасини таъмирлаш ва техник
хизмат кўрсатиш**

ШАРТНОМАСИ № 10

« » 2022 йил

Жиззахшаҳри.

«G'AYRAT OSIYO AVTO SERVIS» МЧЖ (кейинги уринларда «ИЖРОЧИ» деб аталади) номидан Низом асосида иш юритувчи МЧЖ раҳбари **Ортиқбоев Умиджон Мелибой** угли бир томондан ва «Ўзтрансгаз»АЖ томонидан 2022 йил 5 январда берилган 01-32/17Д-сонли ишончнома асосида иш олиб боровчи **Ғаллаорол МГҚБ** бошлиғи в.б **Б.С.Хидиров** (кейинги ўринларда «БУЮРТМАЧИ» деб юритилади) томондан, ушбу шартномани куйидагилар тугтрисида туздилар:

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1. «ИЖРОЧИ» уз хисобидан «БУЮРТМАЧИ» нинг булган автотранспорт воситаларига эхтиёт кимсларини урнатиш ва техник хизмат курсатиш, «БУЮРТМАЧИ» эса бажарилган ишларни кабул килиш, урнатилган эхтиёт кимслар ва курсатилган хизматлар хаккини тулаш мажбуриятини олади.

ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ.

2. «ИЖРОЧИ» куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:
-«БУЮРТМАЧИ» нинг автомашиналарини кабул килиш ва уларни жихозлаш;
-автомашиналарнинг таркибий кимсини сифатли жихозлаш ҳамда белгиланган муддатга барча хизматларни бажариш;
-бажариладиган ишлар, эхтиёт кимслар ва агрегатларнинг нархлари узгарганда «БУЮРТМАЧИ» ни ёзма равишда огохлантириш;
-«БУЮРТМАЧИ» билан келишилган жадвал асосида хизмат курсатиш.

3. «БУЮРТМАЧИ» куйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:
-келишилган жадвалга асосан автомашиналарни «ИЖРОЧИ» устахонасига олиб келиши ва жихозлашдан кейин уз вақтида олиб кетиш;
-«ИЖРОЧИ» томонидан жихозлаш сифатсиз бажарилса, «БУЮРТМАЧИ» камчилик аниқлангандан кейин 5 кун ичида нуқсон далолатномаси тузиш ва зарур чора куриш учун «ИЖРОЧИ» нинг вакилини чакиртиради.
-«БУЮРТМАЧИ» бажарилган ишлар ва курсатилган хизмат учун ўз вақтида хақ тулаш.

ХИЗМАТ КУРСАТИШ БАХОСИ.

4. Шартноманинг умумий суммаси 30 000 000 (Ўттиз миллион) сумни ташкил этади.

ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

5. «БУЮРТМАЧИ» пул утказиш йули билан «ИЖРОЧИ» томонидан бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар тулик бажарилганидан сунг 10 (ун) банк куни ичида курсатилган хизматлар суммасини 100 фоизи миқдорида тулик тулаб бериш мажбуриятини уз зиммасига олади.

ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ.

6. «ИЖРОЧИ» жихозлашни сифатсиз бажарса, камчиликларини уз хисобидан бартараф этади ва иш нархининг 5 фоиз хажмида «БУЮРТМАЧИ» га жарима тулайди.

7. «БУЮРТМАЧИ» бажарилган иш учун туловни уз вақтида туламаган булса, муддати утказилган хар кун учун туловнинг 0,4 фоиз муддати утган туловнинг 50 фоиздан ошмаган хажмида «ИЖРОЧИ» га пеня тулайди.

